



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 7 январь, №4 (3278)

Чоршанба

## Янги иш ўринлари

Янгиқўрган туманидаги Новкент қишлоғининг ўнлаб аҳолиси янги йилни янги иш жойида бошлади.

Қишлоқ аҳолисини, жумладан, хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммоси "Болажон" ўқув-ишлаб чиқариш марказини фойдаланишга топшириш билан ҳал этилди. Марказдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган тикувчилик, гиламчилик ва қандолатчилик цехларида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Марказда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда ишчилар учун бепул овқат, уларнинг фарзандлари учун эса боғча ташкил этилди.

"Болажон" ўқув-ишлаб чиқариш маркази ЮНИСЕФнинг ҳомийлигида очилди. Ушбу ташкилотнинг қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси учун молиявий ёрдами давом эттирилади. Марказнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва яна ўттизга яқин янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган.

Ўқув-ишлаб чиқариш марказининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ҳуломова, вилоят ҳокими Т.Жабборов иштирок этди.


## Қувноқ таътиллар

Қишки таътил кунлари наманганлик мактаб ўқувчилари Қорбобо, Қорқиз ва бошқа эртак қаҳрамонлари иштирокидаги Янги йил арчасини томоша қилмоқда. "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари ушбу театрлаштирилган томошанинг биринчи меҳмонлари бўлди. Байрам дастуридан ўрин олган кўшиқ ва рақслар, интермедиялар ва қўғирчоқ

театри спектакли болажонларда катта таассурот қолдирди.

Вилоят ҳокими Т.Жаббаров "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчилари хузурига таширф буюриб, уларни янги йил билан табриклади ҳамда Президентимиз номидан янги йил совғаларини топширди.

И. РАЗЗОҚОВ,  
ЎЗА мухбири.



## «Фаслит» тамғаси билан

Пойтахтдаги «Фаслит» масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, кичик қорхонада тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги техникаси учун зарур эҳтиёт буюмлар, сантехника жиҳозлари ҳамда 5-10-50 литр ҳажмдаги қозонлар харидорларга манзур бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: қўян эритиш цехи ва ишчи Бойсман Смоилов акс этган.

Рашид ГАЛИЕВ  
олган суратлар.



## Тилга эътибор — элга эътибор

Она тилимизнинг бойлиги, гўзаллиги, жарангдорлиги, мазмундор ифодаларни яратишдаги чексиз қулайликлари улуг Навоий асарларида ўзининг нури инъикосини топган. Навоий таълим борадики, она тилимиз оламида шундай фазилат ва буюклик ҳазиналари борки, ундаги марваридлар, юлдузлар гавҳарларидан кўра ялтироқчароқ, унинг чаманзорларидан кўра кўк юлдузларидан кўра очилганроқдир. Ана шундай бебаҳо гўзалликлардан шoirимиз ўз ўлмас асарлари орқали элу юртни баҳраманд этди. Мана, аслар оша халқимиз шу баҳралардан наъша топиб келмоқда.

XXI асрга ўзбек тили мустакил Ўзбекистоннинг Давлат тили мақомига эга бўлган ҳолда кириб келди. Бугунги ўзбек тили чуқур тарихий илдишларга эга. У шохна бадий ва илмий асарлар яратилган тил сифатида маълум ва машҳур.

## ФАЗИЛАТ ХАЗИНАЛАРИ

Аммо шунинг унутмаслик кераки, ҳар бир тил тирик организм кабилар. У яшайди, юксалади, ҳаётдаги жараёнларнинг ҳаммасини бошидан кечиради, улардан таъсир олади. Ҳар бир жонли вужуд сингари тил ҳам эътиборли парвариш талаб қилади, эҳтиёжли муносабатга муҳтож бўлади, у пала-партиш, беҳуда ўзгаришлардан озор топади.

Она тилига севги ва гурури қараш бунинг изохори билангина эмас, балки бу тилга хурмат, ғамхўрлик, унинг униб-ўсиши учун лозим шароит яратиш орқали амалга оширилмоғи мақбулдир. Бунинг учун эса даставвал бу тилда турғи сўзламоқ даркор. Она тилига доир энг оддий қоидаларни ўрганмоқ, уларга ҳар доим рияз қилмоқ зарур. Сўзлашиш чоғида бир жумлани тугатмай туриб, иккинчи жумлани бошлаб юбормоқ мумкин эмас. Нутқда беҳуда унданмоқ, ноурин паузалар, кераксиз такрорларнинг бўлмагани тузук. Бундай катта-кичик қоидалар кўп. Уларни бизга она тили ва адабиёт ўқитувчиларимиз мудом ўргатадилар.

Мен Миллий университетнинг Шарқшунослик факультетидан ўқиганман. У вақтда — 1944 йилда бу факультет энди ташкил топган эди. У ҳали таъриб ва аънаёнага эга бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда изчил ўқув жарағини уюштирилмаган эди. Биз биринчи курсданок Форс, араб, инглиз, рус, турк тилларини ўқиб бошладик. Кейинчалик эса бизнинг гуруҳимизда афгон (пушту) тили ҳам ўқитила бошланди. Адабиётшунослиқдан кўра тарихшунослиқ ва ижтимоий фанлар кўпроқ ўрин эгалла-

ди. Шу тўғрисида кейинчалик ҳаёт тақозосига кўра менга ўзбек филологиясига оид билимларни мустакил ўқимоқ ва ўрганмоққа тўғри келди.

Аниқ фанлар бўйича ишлаган олимлар ичида ўзбек адабиёти билан жиддий шуғулланган кишиларни биламан. Академиклар Қори Ниъзий, С. Сирожиддинов, К. Зокиров, Х. Фозилловлар шулар жумласидан эдилар. Бундай ҳоллар истисно эмас. Шунинг учун айрим олий ўқув юртиларида факультатив асосида ўзбек филологияси курслари ташкил этилса, уларда истаган ёшларга ўзбек тили ва адабиёти бўйича олий малакали билимлар берилса, ёмон бўлмас эди.

Қинда бир воқеага шохид бўлдим. Автобус тўхтайдиган жойда узок кутиб, хунуби ошган бир одам автобус келгач, унга чиқиб хайдовчига зарда билан деди:

— Сизларда катнов жадвали борми ёки қачон хоҳласангиз, ўшандагина юрасизларми?

Автобус хайдовчи йигит бу қизиқиб турган кишига мулоим овоз билан жавоб берди:

— Катнов жадвали бор. Аммо катнайдиган машина йўқ.

Жавоб шунчалар аниқ ва тушунарли эдики, қизишган одам ховурдан тушди. Унинг хечрасида табассум пайдо бўлди ва индамай бориб бўш жойга ўлтирди.

Навоий ёзган эди: **Ҳар кимки, чуқук сўз элга изхор айлар, Ҳарнечаки, ағёрдурур ёр айлар.**

Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар, Юмшого кўнглиларни гирифтор айлар.

Давоми 2-бетда.

## Радардаги номаълум нишон

Донишмандлардан бири шундай лутф қилган: мол-давлатингдан айрилсанг, кўп нарса йўқотмайсан, номусингдан айрилсанг, анча нарса йўқотасан, мардлингдан айрилсанг, ҳамма нарсангдан маҳрум бўласан. Ҳа, анча мулоҳазага чорловчи ҳикмат бу. Мардлик эса яшиллик, эзгулик каби беминнат. Ўз манфаатингдан умум-манфаатини устун қўя олганингга юзага келади мардлик. Оддий аскар Баҳодир Хусанов ҳам мардликни худди шундай тушунади.

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

говар навбатчиликка биринчи бора туриши эмас. Муайян тажрибаси бор. Синчковлик ва ўзига ишонч, қатъият билан

ча жанговар вазифани бажаришда давом этиши ҳақида буйруқ берди навбатчи. Посбон сарҳадларимизга паслаб учиб ке-

хими, номаълум нишон билан чалғимаслик керак. Ўзбек посбонининг ўткир нигоҳларидан қочиб қутулмади "чақирилмаган

## Юрагида садоқат уйроқ

Капитан Абдурахим Норқўзиёв оддий аскар Хусановнинг гуруҳ командирини. Буни қарангки, ўша воқеа қайд этилган кунини у тезкор навбатчи бўлганди. Келинг, посбон командирининг сўзларига қулоқ тутаилки:

— Баҳодирнинг хизмати бошлаган даври кечагидек эсимда. Гап-сўзидан англадимки, анча зукко, билимдон. Радио-локацион станция ҳақида бир оз тасаввурга эга бўлгач, оператор бўлишга қизиқиб қолди. Мураккаб, масъулиятли вазифани танлаётганини, тез-тез жанговар навбатчи-

(Давоми 3-бетда).

## «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан «Қашқадарё-юртпарварлар диёри» интеллектуал ёшлар клуби ташкил этилди.

## Интеллектуал ёшлар клуби

Сайидо Насафий номли вилоят кутубхонасида мазкур клубнинг дастлабки машғулотини ўтказилди. Унда вилоятнинг шахар ва туманларидан келган иқтидорли ўқувчи ёшлар иштирок этдилар. Юртбошимиз Исрол Каримов асарларига бағишланган машғулот ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Вилоят туманларида ҳам шундай клубларни ташкил этиш режалаштирилмоқда. «Туркистон-пресс».

Давоми 2-бетда.

# ЎЗБЕГИМНИНГ МАРД ЙИГИТЛАРИ

хизмат вазифасига киришди. Соат 12.00. Радарга термулиб турган оператор кутулмаганда номаълум, давлат белгисиз йўқ, графика бўлмаган нишонни кўрди. Нишон кўшни худуд тарафдан мамлакатимиз сарҳадлари томон учиб келаятганди. Оператор — оддий аскар Баҳодир Хусанов бу ҳақда тезкорлик билан тезкор навбатчи капитан Абдурахим Норқўзиёвга билдирди. Операторга йўриқнома бўйи-

лаётган номаълум нишон ҳақида навбатчи штурманга ҳам билдирув берди. «Координатлари, тавсифлари ҳақида зудлик билан маълумот берилсин!» буйруғини олган, уни бажаришга киришди Баҳодир. Бунинг масъулияти, мураккаблиги хусусида бир оз ойдинлик киритсак. Айнан шу пайтда оддий аскар Хусанов масъул бўлган йўналишда бошқа нишонлар ҳам бор эди. Ўз навбатчида уларни ҳам кузатиш, му-

меҳмон». Рухий таранглик бир оз ортгани рост. Бироқ ҳеч қандай ҳаяжон, доғдираш таъкиб қилгани йўқ. Шу сабабли ҳар минутда кўмондонлик пунктини, навбатчи штурмани аниқ маълумотлар билан таъминлаб турди. Ҳаво сарҳадларимиз ҳимоячилари жанговар шай холатга келтирилиб, ҳамкорликда ҳаракат қилинди. Оддий аскар Баҳодир Хусановнинг хушёрлиги, сергаклиги, ўз бурчида садоқат билан

## Пойтахтимизда

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетидан «Ўзбекистонда сайёҳлик хизматини такомиллаштиришнинг иқтисодий дастаклари» мавзусида анжуман ўтказилди.

## Мамлакат иқтисодиётининг туризмнинг ўрни

Тадбирнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётининг туризмнинг ўрни ва аҳамияти, миллий сайёҳлик захираларини баҳолаш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашиш эди. Анжуманда Ўзбекистон фирмалари асосан сайёҳларни хоржий мамлакатларга жўнатиш билан шуғулланиши, чет эллик меҳмонларни қутиб олиш ишлари билан банд қорхоналар санокли экани қайд этилди. Тадбир иштирокчилари туроператор, турагент ёки экскурсия агентлиги ўртасида аниқ бир фарқ йўқлиги хизматлар бозорида маълум қийинчиликларни юзага келтираётганини таъкидладилар. Ўзбекистондаги ақсарият меҳмонхоналар, сайёҳлик мажмуалари асосан чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган. Аммо хизмат кўрсатишда ҳар доим ҳам халқаро андозаларга амал қилинади, деб айтиш қийин.

Яна бир муаммо шундаки, маҳаллий туризм билан шуғулланадиган қорхоналар ҳам озчиликни ташкил этади. Фуқароларимизнинг мавжуд туристик йўналишлар бўйлаб саёҳатга чиқишларига, табиатимиз гўзаллигидан баҳра олишларига, тарихий шаҳарларимизни бориб кўришларига унчалик ҳам эътибор берилмапти.

Анжуман қатнашчилари ушбу муаммоларни тезроқ ҳал этиш мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сони кўпайишига хизмат қилишини таъкидладилар.

«Туркистон-пресс».

## Жойлардан хабарлар

Қамаши туманидаги «Хунарманд» ишлаб чиқариш фирмасида Эрон технологиялари асосида макарон ишлаб чиқарилмоқда.

## Хориж технологияси асосида

— Жами қиймати 85 минг АҚШ доллари миқдоридagi ушбу технология линия ўн икки турдан ортик макарон маҳсулотларини тайёрлаш ва қадоқлаш имкониятини беради, — деди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси А. Қосимов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу ускуналарни фирма ўз маблагга эвазига сотиб олди. Ҳозирча фирмада йўн турдаги макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Яқин кунларда қадоқлаш линияси ҳам ишга туширилади.

## Ғолиблар аниқланди

Ёш мусаввирлар ўртасида «Сува болалар» мавзусидаги танлов якунланди.

Германиянинг «Орол болаларига ёрдам» ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган танловнинг мақсади ёш расомларни рағбатлантириш ҳамда ватанпарварлик, она юрт табиатини асраб-авайлаш руҳида тарбиялашдан иборат эди.

Нукус шаҳридаги 34-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Саида Матчанова ҳамда 12-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Гулмира Қўсбергенова танлов ғолиби, деб топилди.

А.ОРТИҚБОВ,  
ЎЗА мухбири.

## «Халқ сўзи» назоратида

## Радиокарнайлар сўзлагай...

Газетамизнинг шу йил 27 ноябрь сонидан китоблик Х.Жабборовнинг шикоят хати асосида «Суккутдаги радиокарнайлар» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда шаҳардаги айрим маҳаллаларда яшовчи аҳоли радиоэшиттиришлардан маҳрум эканлиги баён қилинганди. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директориани биринчи ўринбосари А.Ишонход-

жаев имзоси билан тахририятга келган расмий жавобда таъкидланишича, 2000 йилдан бошлаб республикамиз вилоятларида режа асосида симли радиоэшиттиришдан эфир турдаги радиоэшиттиришга ўтказиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Китоб шахрининг С.Рахимов, Ипак йўли кўчалари ҳамда М.Бойбе, Ж.Тур-

диев маҳаллаларида электр сим ёгочларини таъмирлаш ишлари олиб борилиши натижасида уларга осилган радиопиллар йиғиштириб олинган. Ҳозир Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳри ва Китоб туманида симли радиоэшиттиришдан эфир турдаги радиоэшиттиришга ўтказиш ишлари олиб боришмоқда.



Давоми 2-бетда.

Қишлоқ меъморчилиги

Ён қўшимиз Абдуназар ака иморат қуриш тарафдарида тушиб қолди. Бичимини олиб пойдевор ётқизди — ўзимиз сажизта хона. Энди почани шимариб лойхандада ўзини бир кўрсатадиган бўлди. Қўшни-қўшинида. Тўй ҳам, иморат солиш ҳам қўшниларнинг қўмағисиз ўтмайди, деб ҳаёдан ўтказиб турсам, Абдуназар аканинг шашти ўзгарибди: — Э, ука, иморатни пушта қилиб қўрмасак бўлмайди — пишиқ гиштдан, силлиқлаб. Ўзиниям офтобга, кунгайга қаратиб тиклайман. Қуёш тафти тушиб турса, ёруғ бўлса, оиламиз тотув, дастурхонимизда кут-барак бўлади.

Пишиқ Гиштдан



уё қурсанг...

Дарвоқе, бугун Қора-қўлда Абдуназар акага ўхшаб иморат қуриш ташвишига тушганлар кўпчиликини ташкил қилади. Туманда бир йилда 43 минг квадрат метр ҳажмда яқка тартибда уй-жой қурилади. Уй қуриш учун 1 квадрат метр ҳажмга ўртача 80 дона пишиқ гишт ҳисобланса, аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун 3,5 миллион дона оловда тобланган гишт керак бўларкан. Холбуки, бу эҳтиёжни тўла-тўқис қоплаш учун маъжуд гишт заводлари, цехлари етарлича фаолият кўрсатмаёпти. Шу боисдан ҳам қурилатган уйлarning 17 фоизигина пишиқ гиштдан тикланмоқда. Қолгани эса пахса, чўпқори ёки хом гиштдан.

Сабаби — катта-кичик гишт ишлаб чиқарувчи цехларнинг аксари пишиқ гишт тайёрлашга қуввати етмайди. Шунинг учун ҳам чўнтаги кўтарадиганлар, ҳар донаси 25 сўмга тўғри келса-да, гиштни Жондор туманидан олиб келишадими.

Гишт цехларининг тўла қувват билан ишламаслигининг асосий сабаби эса газ босимининг пастлиги-

да. Аҳоли хонадонларига зўрга етиб турган газнинг гишт ишлаб чиқарувчи цехларга етиб бормаслиги кундай равшан, борганда ҳам гишт пишиқидан даражада эмас-да. Туман газ идораси томонидан май-октябрь ойларидегина бундай цехларнинг фаолият юритишларига руҳсат этилган. Истиш мавсумида эса ёпиб қўйилади.

рувчи цех фаолияти билан танишдик. Цехда йилга 600000 дона гишт ишлаб чиқарилаётган. Цех бошлиғи Аҳмад Отахоновнинг сўзларига қараганда, асосий иш ёз мавсумида бўлади. Керакли пишиқ гишт жамғарилади. Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам 40 мингдан ошқ бўлиб, ўз вақтида берилиб борилаётир. «КаМАЗ», «Т-28»,

Лекин олма пиш, озғимга туш, деган билан иш битмайди. Излаганга, интилаганга имконият эшиклари очилиб боравераркан. Шу сўзимнинг далили сифатида Охунбоев номли ширкат ҳужа-лигида жойлашган «Пахлавон» гишт ишлаб чиқа-

«Т-4» техникалари ҳам гуриллаб ишлаб турибди. «Пахлавон»да яна бир яши анъана йўлга қўйилди. Ҳар йили цех ишчиларининг бирига уй қуриб берилади. Яна бир гап: маҳалладаги ҳам таъминланган битта оила фарзанди тўйини ҳам «Пахлавон» ўз зиммасига олибди. Катта-катта қорхоналар ҳам «Пахлавон» гиштига навбат кутиб туришибди. Демак, соф даромад ҳам чакки эмас — йилга 4-5 миллиондан ошади. Энг муҳими эса, «Пахлавон»чилар тупроқни ювиб, шўрини кетказиб кейин гишт пиширади. Шу боисдан ҳам харидорлар мамнун. Хуллас, исми жисмига мос экан «Пахлавон»нинг.

Кўшим Абдуназар ака ҳам худди шу биз таърифни берган «Пахлавон»дан пишиқ гишт олди, силлиқлади, бир иморат солди кунгайга қаратиб. Энди тўйлар бўлади бу уйда, ўғил-қиз, набира тўйлари. Абдуназар ака эса кўшининг заррин нурларига қўқрак тутади — барча ташвишлари эсдан чиқади. Салобат тўкиб турган иморатига разм соларкан, елкасидан юк тушгандай бўлади. Атрофдагилар ҳам энди гимирлаб қолишди. Абдуназар акага ўхшаб иморат солиш пайига тушишди.

Ҳасан АРАБОВ, Бухоро.

Фермерни қўллаш иқтисодий ва кўллашдир

Дўстлик туманида фермерлик ҳаракати қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликлари-ни ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонидан сўнг, Республика акционерлик-тижорат «Пахтабанк»нинг туман бўлимида бу муҳим ҳужжатни тезроқ ишлаб чиқаришга таъбиқ этиш чора-тадбирлари белгиланди. Унга биноан, шу кунларда тумандаги ҳар бир фермер ҳўжалигининг йиллик уқуний натижалари таҳлил қилинмоқда.

Ҳўжаликларнинг техникага, эҳтиёт қисмларга, минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжлари ўрганилиб амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Банк бўлими биносида «Фермерларга моливий қўмақ» хонаси ташкил этилган. У ердан мижозлар фермерликка оид зарур ахборотлари олишлари мумкин.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲУҚУҚШУНОС

МАСЛАХАТХОНАСИ

Саволларга Давлат солиқ қўмитаси ахборот-маслаҳат маркази директорининг ўринбосари Аваз Алимбоев жавоб беради

— Асосий фаолиятдан ташқари савдо-сотиқ (умумий оқватланиш) билан шуғулланувчи қорхона қандай солиқ турларини тўлайди?

А. ШУКУРОВ, тадбиркор.

— Асосий фаолиятдан ташқари олди-сотди шартномаси асосида савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи қорхона, энг аввало, савдо-сотиқ билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлиши ва алоҳида ҳисоб олиб бориши, савдо фаолияти (умумий оқватланиш) бўйича белгиланган тартибда ялпи даромаддан солиқ тўлаши керак.



— Савдо ва умумий оқватланиш қорхоналари асосий фаолиятдан ташқари мулк солиғи тўлашдан озод этилган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланса, мулк солиғи қандай ҳисобланади ва тўланади?

Р. ЛУТФУЛЛИН, қурувчи.

— Савдо ва умумий оқватланиш қорхоналари асосий фаолиятдан ташқари мулк солиғи тўлашдан озод этилган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланса, у ҳолда мулк учун алоҳида ҳисоб олиб бориладими ва солиқ асосий фаолият бўйича тўланади.

— Биз газета қоғозларини импорт қилиш билан шуғулланамиз. Ўз товаримизни улгуржи фирмага сотишимиз мумкинми?

С. САЛИМОВА, бухгалтер.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 октябрдаги 407-сонли қарорига мувофиқ, товарларни импорт қилувчи ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар импорт қилинган товарларни фақат турғун савдо шохбаси ва назорат касса машинасига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга, махсус истеъмолчиларга, ўз эҳтиёжи учун харид қилувчи юридик шахсларга сотиши мумкин.

— Илгари қорхонада фойдаланилган ва ҳозир эскириб қолган ускуналар, узеллар ва агрегатларни сотишдан (бундай фаолият турги уставда қайд этилган) қандай солиқ тўланади?

Б. ТУРДИЕВ, муҳандис.

— Ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи қорхона ўз асосий маблағларини сотиш билан ҳам шуғулланса, бу асосий фаолият турига кириб улгуржи савдо ҳисобланмайди. Лекин қорхона илгари фойдаланилган агрегатлар ва узелларни бошқа жойлардан олиб, кейин уларни сотиш билан шуғулланса, бу савдо фаолияти деб ҳисобланади ва улардан ялпи даромад солиғи олинади. Бундан ташқари, улгуржи савдо учун рухсат берувчи гувоҳнома ҳам талаб этилади.

— Қорхонамиз паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктисослашган. Айтинг-чи, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин чакана савдо билан шуғулланиш бўйича маҳсулот сотишимиз мумкинми?

С. ЛУТФУЛЛАЕВА, иқтисодчи.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 25-сонли қарорига мувофиқ, жисмоний шахсларга товарларни кичик партияларда улгуржи сотиш пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунинг учун жисмоний шахслар юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркор сифатида рўйхатга олинган ҳамда турғун савдо шартлирига эга бўлишлари керак. Кичик партиялар миқдорини ҳар бир қорхона ўз товар айланмасидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайди.

— Қорхонамиз четдан олиб келинган истеъмол ва ноистеъмол товарлари билан улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга. Бу ҳилдаги маҳсулотларни тижорат мақсадида эмас, балки ўз эҳтиёжлари учун юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларга пул ўтказиш йўли билан сотсақ бўладими?

В. КИМ, экспедитор.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 195-сонли ва 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарорларига мувофиқ, улгуржи савдо ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар ўзаро ҳисоб-китобда пул ўтказиш йўли билан бундай товарларни юридик ва жисмоний шахсларга сотишлари мумкин. Бунинг учун тузиладиган шартномада харид қилувчи томон товарларни ўз эҳтиёжи учун ёки хомашё сифатида сотиб олаётганилиги, бу товарларни қайта сотиш ҳуқуқига эга эмаслиги кўрсатилиши керак.

— Солиқ тўловчилар қандай мажбуриятларга эга эканлигини билмоқчи эдим.

З. РУСТАМОВ, талаба.

— Бу ҳақда тўлиқ маълумот олмақчи бўлсангиз, Солиқ кодексининг 12-моддасига мурожаат этишингиз мумкин. Унда солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари батафсил баён этилган. Ундан ташқари солиқ тўловчилар Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига ўз зиммаларига юклатилган бошқа мажбуриятлари ҳам бажаришлари лозимлигини уқтириб ўтмоқчиман.

Қўрбон ЭШМАТОВ таъйёрлади.

Мақсад — Олимпиада йўлланмаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳам қизиқтираётган бўлса керак. Бош мураббийнинг айтишича, Филиппиндаги баҳсларда фақат мутлақ вазндан бошқа барча вазндарда финалга чиққанлар бундай имкониятни қўлга киритишади. Мутлақ вазнда эса қўмақ чемпиони Олимпиада йўлланмасига эга бўлади.

Иккинчи йигини ўтказиш учун эса Янгиобод танланди. Бу бажиз эмас. Тоғолди худудлари спортчиларнинг шуғулланишлари учун энг қулай жой ҳисобланади.

— Янгиободдаги йигинларимиз мобайнида ҳар бир боксчи ўз мураббийлари билан машғулотлар олиб борди, — дейди Осиё чемпионатининг совриндари Тўлашбой Дониёров. — Кунига икки маҳалдан тинимсиз икки соат қаттиқ назорат остида шуғулландик. Бу эса рингда кучимизни сўнгги раундгача сақлаш олишимизга ёрдам беради.

Ундан рақиблари ҳақида сўраганимизда,

Тўлашбой барча энгил вазндарда кураш кескин кечиниши айтиди. Менинг вазнимда (51 кг.) анча таҳрибли рақиблар кўп. Хусусан, сўнгги жаҳон чемпионатининг олтин медалга соҳиби таиландлик боксчининг имкониятлари ҳозирданок юқори баҳоланмоқда. Асосий мақсадим — ўша боксчини енгиш.

Янгиободдаги йигинларда хиндистонлик боксчиларнинг иштироки кўтирилган воқеа бўлди. Улар ҳам Осиё чемпионатига таъйёргарликни ҳамюртларимиз билан бирга ўтказишни режалаштиришган экан.

— Айнан бу ҳолат бизга қўл келди, — деди ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Баҳодир Султоновнинг устози Алишер Абдуллаев. — 54 килограмм вазнда хиндистонликларнинг вақили жуда кучли. Баҳодир у билан икки бор рингда тўқнаш келди. Иккаласида ҳам галаба қозонди. Биринчиси Хайдаробода бўлиб ўтган Афро-Осиё йўнла-

рининг финалида, иккинчиси Янгиободдаги машғулотлар пайтида. Шунга қарамай таъйёргарликни кучайтирганимиз. Баҳодирнинг вазнида Шимолий Корея вақили ҳам чемпионликка асосий давогарлардан саналади.

Учинчи, сўнгги ҳал қилувчи йигин эса пойтахтдаги Марказий ҳарбий спорт клубида ўтказилди. Ушбу йигинда Филиппинда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган боксчилар номи маълум бўлди.

Улар билан танишинг: Отабек Мамахонов (48 кг.), Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Баҳодир Султонов (54 кг.), Бехзод Хидиров (57 кг.), Жаҳонгир Сувоқуллов (60 кг.), Дилшод Маҳмудов (64 кг.), Шерзод Хусанов (69 кг.), Ўткирбек Ҳайдаров (75 кг.), Нодир Фуломов (81 кг.), Сергей Михайлов ёки Игорь Алборов (91 кг.), Рустам Саидов (мутлак).

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФАЗИЛАТ ХАЗИНАЛАРИ

лик керак. Юмшоқ сўз билан кишиларнинг кўнглини олмақ лозим. Каттиқ сўзининг энг ёмони, энг жирканч ва нафратли қўрқини шалақ галдир. Беодобона сўзлардан ташкил топувчи шалақ гал кишининг ўзини ўзи ҳурмат қилмаслигини, тилини эса ҳақоратлаганини билдиради. Бундай маданиятсизликка қарши ўз оқмоқ керак. Шалақликни жамият ҳаётидан сидириб ташламоқ, тилимизни бундай чиркинликдан қатъиян тозалашимиз шарт.

XXI аср ўзбек тили олдинги даврлардаги ўзбек тили эмас. Унинг таркибида кўп янги сўзлар, терминлар, янги тушунарларни ифодаловчи кетлар пай-

до бўлмоқда. Эсимда бор, бир маҳал энг юқори даражада бир жойда лизинг тўғрисида гап кетди. Шу ишни амалга оширмоқ кераклиги айтилди. Шу лизинг дегани нима дегани ўзи, деган саволга эса аниқ жавоб

бўлмаган сўзларга кичик-кичик изоҳ бериб борилса. Кейинчалик бу изоҳларни йиғиб, махсус бир луғат китоби тузмок ҳам мумкин бўлар эди.

Яна бир фикр ўзбек тилини кенг ёймок тўғрисида. Ҳозир Ўзбекистонда кўп хоржий расмий идоралар, ижтимоий, маданий, тижорат тузилмалари ишлаб турибди. Уларнинг ходимлари ўзбек тилини ўрганмоққа қизиқадилар. Ана шундай ўзбек тилини ўрганишни хоҳлаганлар учун ўқув кўрсалнамалари, луғат-сўзлашгичлар, кичик-кичик икки тилни луғатларни нашр этишмоқ керак бўлади. Ким ўзбек тилини ўрганмоқни хоҳласа, унга ҳар тарафлама ёрдам бермок, шариот тугдирмок лозим. Ўзбек тилини кўлланиш доираси қанча кенгайса, ҳамма учун фойдали бўлади.

Ўзбек тилининг фазилат хазиналари бой ва бемикдор. Барча соф ниятдаги кишиларга бу хазинадаги дурдоналардан баҳра етаверсин. Она тилимиз борган сари ривож топиб, баркамоллик касб этаверсин.

Азиз ҚАЮМОВ, академик.



Самарқандлик нурчилар шижоати

Самарқанд электр тармоқлари шўба қорхонаси жаммаси жорий йил давомида кўпгина ишларни амалга оширди. Хусусан, турли қулачиларда 3,8 минг километрлик ҳаво электр йўли, 1270 та юқори қувватли трансформатор таъмирдан чиқарилди. Кузги-қишки мавсумга таъйёргарлик жараёнида эса минг километр масофадаги электр линияларига тегадиган дарахт шох-шабалари кесилди. Пастдарғом туманидаги Арабхона қишлоғи, Самарқанд шаҳри ва Оқдарё туманида янги трансформаторлар ўрнатилди.



СУРАТЛАРДА: диспетчерлар хонаси; электромонтёрлар Фазлиддин Ғойибназаров ва Акрам Эшонқулов. Тоҳир НОРҚУЛОВ (Ўза) олган суратлар.

Мукаррам опанинг қувонч ва ташвишлари

Зуваласи пишиқ, қорамғиз, кўзлари қулиб турувчи, тилидан «сингилжоним, болажоним, укажон», «умрингиздан баракат толинг» деган яши сўзлар, тилаклар тушмовчи бу аёлни Фарғона водийсида деҳқончилик билан, хусусан уруғчилик билан шуғулланган кўпчилик билади, ҳурмат қилади.

Тақдир

Мукаррам Абдурахмоновнинг таржамаси ҳоли оддий. Уи сажиза йишда трактор рулига ўтириб «Мукаррам механик» бўлди. Сўнгра «Мукаррам бригадир», кейинроқ «Мукаррам агроном» бўлиб ҳурмат-эътибор топди. Қарийб қирқ йилдири, она сўнгги касби — агрономлиқни ардоқлаб келмоқда. Агроном бўлганда ҳам уруғчилик агрономи.

У водийнинг ҳар бир қарич ерини, тупроқ унмдорлигидан тортиб шарт-шароитига яши билади. Бир кафт тупроқни қўлга олиб, унга қандай чигит экилса, яши ҳосил олиш мумкинлигига айта олади. Салкам қирқ беш йил ер билан «тиллашган» инсон учун балки бу оддий ҳолдир. Нима бўлганда ҳам, ишни оддий кетмончиликдан бошлаган қизалоқ бугун юзлаб ёшларга устоз, Фарғона вилояти кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси уруғчилик бўлими етакчи мутахассиси.

— Ҳаётим осон кечмади, — дея хотирлайди она. — Кимгадир ибрат, кимгадир сабоқ бўларли... — Фарғона туманидаги Логон қишлоғида туғилди, — дейди она. — Ўрта мактабни тугатлаган. Тошкент кишлоқ ҳўжалиги агрономлари институтида таъсил олди. Узоқ йиллар туман ҳўжалиқларида бригадирлик қилдим, машинада тонна-тонналаб пахта тердим. Ўзимнинг ҳалол меҳнатим билан эл эътиборига тушдим.

Она менга бир неча газеталар тахлавларини тутказди. — Ўша олтишинчи — етмишинчи йилларда соёқ Иттифоқ марказида чоп этиладиган газеталардан тортиб маҳаллий газеталаргача бош қаҳрамон биз аёллар бўлиб қолгандик, — дейди андақкина маъюслик билан. — Шон-шўхратга шу қадар бўрилиб кетдикки, ҳатто аёллигимизни, турмуш қуриб фарзандлар ўстиришимиз кераклигини ҳам унутиб юбораётгандик.

Ҳен ким бизга «Сен аёлсан! Оила қуришинг, фарзандлар қуришинг, улар тарбияси билан машғул бўлишинг керак!» дедимки ҳам. Бир кун Олтиарқикча борсақ, эртаси кун Бешарқидимиз. Қарасам, ёшим

ҳам нақд ўттизни қоралаб қолибди. Онажонимнинг қистовлари билан турмушга чиқдим. Фарзанд билан давлатнинг эрта-кечи йўқ, деганлар рўст экан. Биринкетин фарзандларим — Камолатхон, Ойбек, Қароматхон ва Қомилахонлар дунёга келишди.

Она қўлида ёш гўдаги билан ҳам далами тарқ этмади. Фарзандлар тарбияси, оила ташвиши эса онаси Холниса хонанинг зиммасига юклянди. Турмуш ўртоғи «Менга раҳбар эмас, хотин керак», дея зарда қилганда ҳам уйлаб кўрмабди. Охириқибат...

— Биласизми, ўшанда оилам бузилганидан ачинамаман ҳам, — дейди у. — Раҳматли онам бир галини кўп тақорлардилар: «Бола, ўзинг, болаларинг учун қачон ашайсан?»

Фарзандлари биринкетин улаиб, қизларига советчилар кела бошлаганида ҳам она далами тарқ этмади. Не-не тенгқуларни, ҳамкасблари дангиллама ховли-жой қурганида «комсомол» берган икки хоналик уйи борлигига шуқур қилиб ашайверди.

— Менинг энг катта бойлигим — фарзандларим. Уларнинг умумфақиятларини, энг муҳими, бахтини кўриш мен учун бахт. Бугун ўтган умримни сарҳисоқ қиларканман, бўзимга нимадир тикилгандай бўлади. — Негиз? — дея сўрайман



